

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 33М: 6ПЗ(575.1)

АБДУХОШИМОВ АБДУБОСИТ АБДУУСМОН ЎҒЛИ

Жаҳон металлургия бозори конъюнктураси ва ривожланиши
динамикаси таҳлили

5A231101 – “Жаҳон иқтисодиёти” (минтақа ва фаолият турлари бўйича)
мутахассислиги бўйича

Магистр
Академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий раҳбар: Д.Р.Эргашев

Тошкент - 2021

Аннотация: Мамлакатимиз миллий иқтисодиёти тараккиётидаги сўнгги йиллардаги ижобий ўзгаришлар натижасида “Янги Ўзбекистон”нинг қиёфасини, унинг иқтисодий салоҳиятини ва қудратини жаҳон хўжалигига намоиш қилмоқда. Миллий иқтисодиётимизни тараккиётида асосий вазифалардан бири сифатида қора металлургия саноат тармоғини ривожлантириш ва соҳада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни жаҳон бозоридан муносиб ўрин олишга қаратилган. Шу нуқта назардан, Бугунги кунда иқтисодиётимизнинг қора металлургия саноат тармоғини ривожлантиришда ишлаб чиқариш технологияларини модернизация қилиш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш, экспорт салоҳиятини ошириш, хомашё импортини сезиларли даражада камайитириш ва қўшимча иш ўринларини яратиш орқали ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлашга имкон берадиган тармоқларини янада ривожлантириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Annotation: As a result of the positive changes in the development of the national economy of our country in recent years, the image of "New Uzbekistan", its economic potential and strength is demonstrated to the world economy. One of the main tasks in the development of our national economy is the development of the ferrous metallurgy industry and a worthy place in the world market for products manufactured in the industry. In this regard, today in the development of the ferrous metallurgy industry, the modernization of production technologies, attracting foreign direct investment, increasing export potential, significantly reducing imports of raw materials and creating additional jobs will further strengthen socio-economic stability. development is of paramount importance.

Магистрлик диссертация иши “Жаҳон иқтисодиёти” кафедрасида дастлабки химоядан ўтган. _____ - сонли баённома «_____» _____ 2021 й.

Илмий раҳбар: катта ўқитувчи Д.Р.Эргашев




24.06.21

имзо

сана

Магистр: А.А.Абдухошимов



24.06.21

имзо

сана

“Химояга тавсия этилади”

“Жаҳон иқтисодиёти” кафедраси мудири доц.Н.С.Исмаилова



“23” июнь 2021 йил

Химоя 2021 йил “24” 06 соат 14:00 да Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бўлиб ўтади.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	4
I БОБ. ЖАҲОН МЕТАЛЛУРГИЯ БОЗОРИ РИВОЖЛАНИШИНING ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ	10
1.1 Жаҳон бозори конъюнктураси ва унга таъсир этувчи омиллар	10
1.2. Жаҳон метал бозори таснифи ва унинг хусусиятлари	15
1.3. Жаҳон метал бозори конъюнктураси ва нарҳни шаклланиши	25
<i>Биринчи боб бўйича хулоса.</i>	31
II БОБ. ЖАҲОН МЕТАЛЛУРГИЯ БОЗОРИ КОНЪЮНКТУРАСИ ВА РИВОЖЛАНИШИ ДИНАМИКАСИ ТАҲЛИЛИ	33
2.1. Жаҳон метал бозорлари ва уларнинг асосий кўринишлари	33
2.2. Жаҳон метал бозорининг асосий иштирокчи мамлакатлари ва метал маҳсулотлари ишлаб чиқариш динамикаси.	39
2.3. Жаҳон бозорида металллар савдоси ва унинг динамикаси	47
2.4. COVID-19нинг жаҳон метал бозорига таъсири	51
<i>Иккинчи боб бўйича хулоса.</i>	59
III БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА МЕТАЛЛУРГИЯ БОЗОРИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИING ОШИРИШ ҲАМДА УНИ ЖАҲОН БОЗОРИДАГИ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ .	60
3.1. Ўзбекистон иқтисодиётида металлургия маҳсулотлари бозори ва уни ривожланишининг асосий хусусиятлари	60
3.2. Мамлакатимизда қора металлургия саноати тармоғини ривожланиш стратегиясини такомиллаштириш	68
3.3. Пандемия шароитида Ўзбекистонда метал маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ва метал экспорти маҳсулотларини ривожлантириш истикболлари	72
<i>Учинчи боб бўйича хулоса</i>	78
ХУЛОСА	80
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.	83

КИРИШ

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. 2020

Йилда рўй берган пандемия жаҳон иқтисодиётини инқирозга юз тутди. Жаҳон иқтисодиёти ўз тарихида бундай улкан инқирозга дуч келмаган эди. Унинг таъсирида жаҳон хўжалигининг барча қатламлари огир шикастланди. Жаҳон бозоридаги ҳолатлар ва нархларнинг тебранишлари жаҳон ишлаб чиқариш соҳаларига ўз салбий таъсирини кўрсатди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида ўз нутқларини 2020 йилнинг бошларида юзага келган пандемиянинг жаҳон иқтисодиётига салбий таъсири ва жаҳон иқтисодиётидаги бир қатор муаммолар ҳақида тўхталиб ўтдилар. “Бугунги кунда бутун инсоният коронавирус пандемияси деган глобал офатни бошидан ўтказмоқда. Бундай улкан фалокат жаҳон миқёсида сўнгги юз йилда рўй бермаган, десак, аини ҳақиқатни айтган бўламиз. Пандемия жаҳон иқтисодиёти учун – шунга эътибор беринг – ҳар ойда қарийб 400 миллиард доллар миқдорида зарар келтирмоқда. Бугунги кунга қадар дунё бўйича 500 миллионга иш ўрни йўқотилган”¹, деб таъкидлаб ўтган эди.

Замонавий жаҳон хўжалигининг миллий иқтисодиётларида сўнгги йилларда саноат тармоқларининг ишлаб чиқариш тенденциясининг ўсиб бориши, уларда ташқи савдо ва инвестиция муносабатларининг янада ривожланиши, ушбу соҳада фаол ривожланиб келаётган металлургия саноат тармоғи энг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланади. Жаҳон металлургия тармоғи саноатнинг энг муҳим тармоқларидан бири бўлиб, ушбу тармоқни жадал ривожлантириш мақсадида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳамда ушбу тармоқда ишлаб чиқарилаётган рақобатбардош ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариши натижасида жаҳон бозорида ўз ўрнига эга бўлмоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://review.uz/uz/post/poslanie-prezidenta-uzbekistana-shavkata-mirziyoyeva-oliy-majlisu>